O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KITOB PALATASI
Majburiy bepul nusxa



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 10 ноябрь, № 217 (5132) Чоршанба

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ – ОЛИЙ НЕЪМАТ



***Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида “ParmMedExpo Uzbekistan” VI халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмаси ўз ишини бошлади. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик компанияси, Хорижий фармацевтика компаниялари ваколатхоналари уюшмаси, “Дори-дармон” ҳамда “ZarExpo” компаниялари томонидан ташкил этилди.***

**Халқаро кўргазма**

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли тиббиёт соҳасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, тиббиёт муассасаларининг замонавий ускуналар билан жиҳозланганлиги аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган бўлса, тармоқ корхоналарининг модернизация қилиниб, технологик жиҳатдан янгиланаётгани рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси эканини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида”ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2010 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 16 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2010 йил 16 ноябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 9 ноябрь

# «ХУРСАНДЧИЛИГИМИЗНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ»

**дейишмоқда янги уйларга кўчиб ўтган ҳарбийларнинг оила аъзолари**

**Эътибор**

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида юртимизнинг мудофаа қобилияти тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўз навбатида, тизимдаги бундай ўзгаришлар мард, сергак, жасур аскарлар, сержант ва офицерларни ўз таркибига жамлаган ихчам ва профессионал миллий армиямизни шакллантириш имкониятини бераётир.

Албатта, бу борадаги муваффақиятлар замирида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг аҳамияти беқиёс.

Яқинда Марказий ҳарбий округда бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига янги уйларнинг калитлари топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланаётгани, жумладан, уларнинг замон талабларига мос тураржойлар билан таъминланаётгани алоҳида эътироф этилди. Бундай ғамхўрлик эса тинчлигимиз ва осудалигимизнинг ишончли ҳимоячилари бўлган аскарлар, сержант ва офицерларнинг зиммасидаги бурч ва масъулиятни янада ошириш баробарида, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти, жанговар куч-қудратини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаяпти.

— Бугун қувончим чексиз, — дейди капитан Ғайрат Ғаниев. — Бизга шундай имкониятларни яратиб бергани учун Президентимиздан миннатдормиз. Мана, уч хонали уй калитини беришди. Хоналар шинам, файзли, барча қулайликларга эга. Ана шундай юксак ғамхўрликка жавобан юрт осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлиги йўлида янада шижоат билан хизмат қилишга астойдил интиламиз.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТАҲЛИЛИ

***Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг вилоятдаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда вилоятда саноат, қурилиш ва савдо соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди.

Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 12,4 фоиз ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 15,7 фоиз, қишлоқ хўжалигида 8,4, қурилиш-пудрат ишларида 40,9, чакана савдо айланмасида 14,6, пуллик хизмат кўрсатишда 15,4 фоиз ўсишга эришилди.

Айни пайтда вилоятда 1907 саноат корхонаси, 1224 қурилиш, 344 транспорт ва алоқа, 8456 савдо ҳамда хизмат кўрсатиш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Саноат маҳсулотларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 11,0 фоизни ташкил этди.

2010 — 2012 йилларда Самарқанд вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий дастур асосида йил бошидан буён 180 лойиҳа амалга оширилди. Натижада 42 миллиард сўм ва 9 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилди ҳамда 3012 янги иш ўрни яратилди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида 36 лойиҳа бўйича 192,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Экспорт ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 13,5 миллион АҚШ долларига ошиб, ўсиш суръати 126,1 фоизни ташкил этди.

Корхоналарда иқтисодий ночорлик ҳолатини бартараф этиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли 11 корхонада иқтисодий барқарорликка эришилди. Молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилаётган олтмишта корхонанинг 35 тасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми кўпайди. Банкрот ҳолатига келиб қолган олти корхона соғломлаштириш учун банклар балансига берилиб, уларга 10,6 миллиард сўмлик инвестиция киритилди. Натижада ушбу корхоналарда икки юздан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Йилнинг тўққиз ойида вилоятда 902,6 минг квадрат метр уй-жой, 71 километр табиий газ ва 201,3 километр ичимлик суви тармоғи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Иккита янги коллеж қурилиб, битта коллеж капитал реконструкция қилинди. Касб-ҳунар коллежлари ва академик

(Давоми 2-бетда).

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази ҳамда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамкорлигида халқаро семинар ўтказилмоқда. “Одил судловни амалга оширишда халқаро стандартлар: амалга татбиқ этиш масалалари” мавзуидаги ушбу анжуманда Олий Мажлис депутат ва сенаторлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, тегишли вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ходимлари ҳамда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.*

# ОДИЛ СУДЛОВ

**Уни таъминлаш суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг пировард мақсадидир.**

**Анжуман**

Маълумки, истиқлол йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Юртимизда инсоннинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳуқуқларини таъминлаш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий механизмлар, сиёсий институтлар яратилгани буни тасдиқлаб турибди. Бу борада, аввало, жиноятлар таснифи тубдан ўзгартирилганлигини айтиш ўринлидир. Айни чоғда судларни жиноий, хўжалик, фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштириш амалга оширилиб, суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш ҳамда ярашув институти жорий этилди. 2008 йил январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши эса жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ҳозир ушбу ислоҳотларнинг давоми сифатида суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш ва уни такомиллаштириш ҳамда судьяларнинг касбий малакасини ошириш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

## Маҳсулотнинг ҳаммаси экспортга

***АНДИЖОН. Избоскан туманининг Чувама қишлоғида Хитойнинг “Nanyang red cotton angel textile” компанияси томонидан 8 миллион АҚШ долларилик инвестиция киритилиши эвазига замонавий корхона бунёд этилган эди.***

Бу қишлоқ ёшларидан 180 нафарини иш билан таъминлаш имконини берди. Жамоа жорий йилнинг ўтган даврида 2200 тонна калава ип тайёрлаб, маҳсулотнинг барчасини экспорт қилди.

Айтиш керакки, бу каби корхоналар фаолияти изчил йўлга қўйилганлиги туфайли вилоятда Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 133 фоизга ўсди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## 63 минг киши ишли бўлди

***БУХОРО. Жондор туманидаги “Евроснар” масъулияти чекланган жамиятида бир кунда 20 тонна ўсимлик ёғини қадоқловчи янги технологик линия ишга туширилди.***

Бунинг учун 260 миллион сўмлик маблағ эвазига замонавий дастгоҳлар харид қилинди. Натижада 15 та қўшимча иш ўрни яратилди. Беш литрлик пластмасса идишларга қадоқланган сифатли маҳсулотнинг дастлабки 250 тоннаси ички бозорга чиқарилди.

Шу каби янги қувватларнинг ишга туширилиши эвазига вилоятда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида жами 63 мингта иш ўрни яратилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



## Пишиқ ғиштдан – кўркам бинолар

***НАМАНГАН. Чортоқ туманилик тадбиркор Боқижон Алиматов Короскон қишлоғида йилига беш миллион дона пишиқ ғишт тайёрлаш қувватига эга бўлган “Чортоқ таъмирлаш ва бутлаш” корхонасини ишга туширди.***

Ҳозир хориждан келтирилган тежамкор хумдонларда соатига уч минг дона сифатли қурилиш ашёси тайёрланмоқда. Эллик киши меҳнат қилаётган жамоа қисқа фурсат ичида бир миллион донага яқин ғишт тайёрлаб, қурилиш ташкилотлари ҳамда якка тартибда уй-жой қурувчиларга етказиб берди.

Вилоятда деворбоп материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бундай корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 35 миллион дона пишиқ ғишт тайёрлаш қувватига эга бўлган 8 та янги корхона фойдаланишга топширилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Фермер корхона қурди

***ФАРҒОНА. Риштон туманидаги “Ихтиёр СМИК” фермер хўжалиги раҳбари Мўътабар Аҳмедова БМТ Тараққиёт дастурининг 40 минг АҚШ долларилик грантини ютиб олди.***

Ушбу маблағ эвазига фермер хўжалиги қошида мева-сабзавотларни қайта ишлайдиган янги технологик линия фаолияти йўлга қўйилди. Натижада бу ерда 20 та иш ўрни яратилиб, ўтган қисқа вақт ичида 80 тонна мева-сабзавот қайта ишланди. Энг муҳими, хом ашёнинг бир қисми хўжаликнинг ўзида етиштирилганлиги маҳсулот таннархининг арзонлигини таъминламоқда.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# РАВОН ЙЎЛЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимиз миллий автомагистрали участкаларида***

**191** **километр узунликдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунига етказилди.**

Транспорт ва коммуникациялар қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилгани шундай натижани қўлга киритиш имконини берди. Пировардида автомобиль йўлларимизнинг янада равон бўлиши таъминланди.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси 2010 йил 12 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биносида соат 10.00 да бошланади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисига келган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари 2010 йил 11 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биносида соат 9.00 дан 18.00 гача рўйхатдан ўтказилади.

# ДЕПУТАТЛАР ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг икки кунлик мажлиси давомида ўн иккита масала, жумладан, тўққизта қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.***

Депутатлар ўз ишларини «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15 ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошлаб, уни узил-кесил таҳрирда қабул қилдилар ва у Сенатда кўриб чиқиш учун юборилди.

Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари, барча фуқароларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатда суғурта фаолиятини янада ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

Депутатлар шуни алоҳида қайд этдиларки, ушбу ҳужжатни қабул қилиш зарурати Ўзбекистон суғурта бозорида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан боғлиқдир. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда суғурта фаолиятини тартибга солишнинг янада тушунарли ва аниқ ҳуқуқий механизмларини яратишга, қонун нормаларидаги мавжуд ҳуқуқий қарама-қаршиликлар ва номувофиқликларга барҳам бериш имконини яратади. Бу эса қонун ҳужжатлари нормаларини бир хилда қўллашни ҳамда суғурта фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг қонуний манфаатлари тўлақонли рўёбга чиқишини таъминлайди.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси темир йўлларда ташиш соҳасини республика ичкарисида юкларни ташиш хизматлари тарифларининг чекланган даражаларини белгилаш орқали давлат томонидан тартибга солишга йўналтирилган. Ушбу Қонун ҳам қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатига юборилади.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, қонун ҳужжатларини бир хиллаштириш ва хўжалик субъектларини текшириш жараёнида янада мақбул шароитлар яратиш мақсадини кўзлайди. Қонун лойиҳасида «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг алоҳида моддаларига тузатиш киритиш таклиф этилди. Муҳокама чоғида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари таъкидлаб ўтдиларки, киритилаётган тузатишлар хўжалик юритувчи субъектларда текширувлар ўтказиш бошланган ва тугаган вақтни аниқ белгилаш ҳамда ҳужжат билан тасдиқлаш имконини беради, бу ҳол мамлакатимизда тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш учун янада мақбул шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Баён этилган барча фикр-мулоҳазаларни эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини тасдиқлади ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун ҳужжатни маромига етказиш вазифасини топширди.

Шундан сўнг депутатлар Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси бўлган бир гуруҳ депутатлар ишлаб чиққан «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Уни ҳар томонлама муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари таъкидладиларки, киритилаётган ўзгартишларнинг мақсади кодекс моддалари, нормаларини уйғунлаштириш, нормаларни аниқлаштириш, солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасида юзага келадиган низоли вазиятларга барҳам беришдан иборат.

Ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган фикрлар ҳисобга олинган ҳолда, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди ва маромига етказиш учун масъул қўмитага топширилди.

«Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 103-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси коммунал хизматлар бўйича қарзларни ундиришнинг аниқ ҳуқуқий механизмини яратиш мақсадида қабул қилинди. Муҳокама иштирокчилари, хусусан, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари фикрига кўра, киритилаётган тузатишлар судларнинг ишини соддалаштиради ва айни чоғда аҳолини электр энергияси, иссиқлик, газ ва сув билан таъминловчи ташкилотларнинг ишини енгиллаштиради.

Депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага ҳужжатни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифасини топширдилар.

Мажлисда кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси матбуот хизмати.**

***Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ аҳоли репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни парваришлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, пировардида ҳам жисмонан, ҳам маънан жиҳатдан етук авлодни вояга етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

# МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

## кўрсатиш кафолатларининг ҳуқуқий асослари

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилишга хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хусусан, бугунги кунда тиббиёт тизимидаги муносабатларни тартибга солиб келаётган Ўзбекистон Республикасининг 13 та қонуни ва бир қатор муҳим қонуности ҳужжатлари аҳоли соғлиғини тиклашда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Айниқса, 2009 йилда Президентимизнинг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорлари асосида жойларда аниқ манзилли ва малакали тадбирлар амалга ошириб келинаётганлиги ҳам жамиятимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга доир масалалар эътибор марказида эканлигидан далолат бериб турибди.

Эътироф этиш керак, фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлаш мамлакатимизда устувор вазифалардан ҳисобланади. Шу боис сўнгги йилларда республикамизда оналар ва гўдаклар ўлимини камайтириш, аҳолини юқумли, вирусли ва ўта хавфли инфекциялардан асраш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, қишлоқ жойларида замонавий қишлоқ врачлик пунктларини барпо этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Эндиликда қишлоқ аҳолисига дастлабки врачлик ёрдамини кўрсатишга ихтисослаштирилган янги типдаги, барча керакли тиббий жиҳозлар билан таъминланган замонавий қишлоқ врачлик пункт(ҚВП)лари ишлаб турибди. Бугунги кунда уларнинг сони 3 173 тага етди. Соҳадаги ислоҳотлар натижасида тизимда ташкил этилган ва ўз ичига тез ёрдам ва санитар авиациясини ҳам қамраб олган яна бир муҳим тузилма — Республика шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш илмий маркази ва унинг жойлардаги филиалларида ҳар йили 6 млн. киши давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматдан баҳраманд бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, фуқароларнинг тиббий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, ёшларнинг соғлом турмуш тарзига риоя қилишга бўлган интилишларини шакллантириш ва бу борада уларни қўллаб-қувватлаш соғлом жамиятни барпо этишда муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таърифи билан айтганда, репродуктив саломатлик, бу — оддийгина айтганда, фақат инсоннинг репродуктив тизими ва функциялари ҳамда жараёнларига оид барча масалаларда касаллик ёки хасталикнинг йўқлигини англатмайди, балки унинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан тўлиқ мўътадил (фаровон) ҳолатини ифода этади. Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи нафақат соғлиқни сақлаш тизими, балки давлат, жамиятнинг муҳим вазифалари сирасига киради. Чунки фуқароларнинг репродуктив саломатлиги мамлакатнинг репродуктив салоҳиятини, миллий генофонд тақдирини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.




**«Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга».**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси.

Ҳозирги вақтда юртимизда репродуктив саломатликка бевосита дахлдор бўлган оилани режалаштириш, болаларни соғлом, замон талабларига мос ва ибратли қилиб ўстириш учун барча имкониятлар мавжуд. Шундай бўлсада, бу ишлар кўламини кенгайтириш, мазмун-моҳиятини янада бойитиш бугунги кун талабидир. Сир эмаски, фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишда экологик муҳитнинг алоҳида ўрни бор. Чунки инсон табиатнинг бир бўлаги, ажралмас, узвий боғланган бир қисми бўлиб, унда рўй берадиган ҳар қандай ғайритабиий ҳолат ёки мувозанатнинг ўзгариши инсон организмига салбий таъсир ўтказмай қолмайди. Шундан келиб чиқиб, жамият аъзоларининг соғлом бўлишларига эришиш, бу борадаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мақсадида мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишга эришишимиз даркор. Бунинг учун, энг аввало, ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш айни заруратдир.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг

**Жараён**

репродуктив саломатлиги тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш, уни кенг жамоатчилик орасида муҳокама қилиш, аҳолининг ўринли таклиф ва мулоҳазаларини ва миллий манфаатларимизни ҳар томонлама инобатга олган ҳолда, қонунни қабул қилишга эришиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2010 йилдаги фаолият дастурида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси томонидан ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳаси сифатида ўрин олди ва бугунги кунда қонун лойиҳасининг дастлабки нусхаси ишлаб чиқилган бўлиб, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан уни Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритиш учун маромига етказиш устида иш олиб борилмоқда.

Тайёрланаётган қонун лойиҳасида юқорида эътироф этилган муносабатлар юзасидан республикамизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизими ходимлари ва жойлардаги маҳаллалар фаоллари иштирокида кенг тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш кўзда тутилган.

**З**еро, ҳуқуқий демократик давлат, қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, унда мавжуд бўлган барча муносабатларни қонуний жиҳатдан тартибга солишни ва бу қонунларга риоя этишни тақозо этади. Аҳоли сиҳат-саломатлигини таъминлаш, ушбу соҳада фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг кафолати бўладиган қонунларни яратиш баркамол авлодни шакллантиришнинг асосий талабларидан биридир.

**Зуҳра БОТИРОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТАҲЛИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лицейлар ўқувчилари учун 17 ётоқхона бунёд этилди. Шунингдек, тўртта соғлиқни сақлаш муассасаси, 33 тоза ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Йиғилишда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш борасида айрим корхоналар ва тармоқларда муайян камчиликларга йўл қўйилгани қайд этилди. Баъзи йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайгани, Маҳаллийлаштириш дастури ижросидаги сусткашлик сабаблари таҳлил этилди, уларни бартараф қилиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Самарқанд вилояти ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — ОЛИЙ НЕЪМАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик компанияси тизимида жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 150 фоизга ўсиши кутилаётгани, шу тизимда ўтган тўққиз ой ичида "Анзибел", "Амоксициллин", "Седоник", "Викасол" сингари 24 номдаги янги дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани шундан далолат беради. Бундан ташқари, модернизациялаш жараёнида "Наса" ва "TB Farm Plast" корхоналарида полиэтилен тиббий идишлар тайёрланиб, буюртмачиларга пешма-пеш етказиб берилмоқдаки, бу "Доривор ўсимликлар" масъулияти чекланган жамиятида етиштирилаётган гиёҳларга ҳам фармацевтика корхоналарида талаб ошишига хизмат қилмоқда.

Халқаро кўргазмада республикамиз ва Россия, Покистон, Ҳиндистон, Қозоғистон, Украина сингари давлатларнинг 30 га яқин етакчи фирмалари ана шундай маҳсулот ҳамда хизматларини тақдим этаётир. Жумладан, галдаги тадбирда Жанубий Корея, Грузия, Бангладеш каби мамлакатлар вакиллари ҳам илк маротаба қатнашаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Кўргазма стендларида иштирокчиларнинг табиий косметика маҳсулотлари, лаборатория ва ташхис ускуналари, шунингдек, янги дори-дармон воситалари кенг намойиш қилинаётгани ҳам кўпчиликни қизиқтирмоқда.



— Корхонамизда 250 турдан зиёд дори воситалари ишлаб чиқарилади, — дейди Бангладешнинг "Jayson Pharmaceuticals LTD" компанияси бошқаруви директори Муҳаммад Солимуллоҳ. — Ҳозирги кунда эса маҳсулотларимизни Япония, Сингапур, Тайвань, Судан, Украина, Гана, Янги Зеландия сингари 20 га яқин давлатларга экспорт қилаяпмиз. Мақсадимиз — Ўзбекистон бозорида янги ҳамкорлар топиш. Кўргазма доирасида шартнома тузиш борасида яратилган шарт-шароитлар боис ушбу мақсадимиз амалга ошишига ишонамиз.

Халқаро кўргазма 11 ноябрга қадар давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** халқаро кўргазмадан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# ОДИЛ СУДЛОВ

**Уни таъминлаш суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг пировард мақсадидир.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидланганидек, ушбу йўналишдаги вазифаларни бажаришда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказининг алоҳида ўрни бор. У судьяларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, суд тизимига халқаро стандартлар талабларини татбиқ қилиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқмоқда. Марказда йилига икки мингга яқин юрист малака ошираётир. Бу ерда тингловчилар учун махсус фанлар билан бирга, юристларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, миллий қонунчиликда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ нормаларини акс эттиришига доир маърузалар ташкил қилинаётгани айни муддаодир.

Бу ерда 2009 йилдан бошлаб ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори кўмагида Инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс маркази ташкил этилганлиги эса иш самарадорлигини янада оширди. Ресурс маркази БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларига оид асосий адабиётлар ва ҳужжатларининг электрон базаси билан таъминланган.

Тадбирда соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, ҳали бажарилиши керак бўлган кўплаб масалалар ҳақида ҳам сўз юритилди. Жумладан, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳозирги босқичида одил судловни таъминлашга тўлиқ эришиш, аввало, суд жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, судьяларнинг касбий тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш ана шулар жумласидандир. Бу эса ушбу соҳада тўпланган тажрибаларни ижодий ўрганиш ва қўллашни тақозо этади.

Анжуманда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Халқаро семинар бугун ўз ишини давом эттиради.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Жамоат транспорти:

# ҚУЛАЙ, ХАВФСИЗ ВА ЗАМОНАВИЙ

***Мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб йўловчи ташиш тизимини такомиллаштириш, автотранспорт паркларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шу орқали халқимиз учун сифатли ва замонавий хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада зарур ҳуқуқий асослар яратилган.***

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 14 декабрдаги "Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорт паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат асосида Ўзбекистонда автобуслар ва юк автомобиллари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, республика автотранспорт воситалари паркини тўлдириш ва янгилаш, шунингдек, йўловчилар ҳамда юк ташиш хавфсизлигини ошириш, атмосферага зарарли чиқиндилар чиқаришни камайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар дастури амалиётга изчил жорий қилинмоқда.

Хоразм вилоятида ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилаяпти. Чунончи, тижорат асосида йўловчиларни ташиш фаолияти билан шуғулланувчи транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш комиссияси таркиби ва жадвали тасдиқланди. 2010 йилги мажбурий техник кўрикнинг биринчи босқичида шаҳарлараро йўналишларда тижорат асосида йўловчи ташиш билан шуғулланган, 1983 йилгача ишлаб чиқарилган 152 та катта ҳажмли, 1991 йилгача ишлаб чиқарилган 288 та ўрта ва кичик ҳажмли автобус, 93 та микроавтобус йўловчи ташиш фаолиятидан чиқарилди. Иккинчи босқичда эса шаҳарлараро йўналишларда тижорат асосида йўловчи ташийдиган автобусларнинг 1986 йилгача ишлаб чиқарилган 20 таси, вилоят йўналишларида фаолият кўрсатган ва 1995 йилгача ишлаб чиқарилган 29 та ўрта ва кичик ҳажмли автобуслар, 175 та микроавтобуслар хизмати тўхтатилди.

"Бунинг сабаби нимада?" деган савол туғилиши табиий.

Маълумки, автотранспорт воситаси вақт ўтиши билан эскиради. Шу боисдан уларнинг техник хавфсизлик ва экологик талабларга жавоб бериш даражаси пасайиб боради, йўлларда тез-тез бузилади. Бу эса истеъмолчиларнинг асабини бузади. Бунинг устига, носозлиги туфайли йўл ҳаракати хавфсизлигига салбий таъсир ўтказади, инсон ҳаётига хавф солади. Ундан катта миқдорда зарарли модда ажралиб чиқиб, атмосферани ифлослантиради, саломатликка путур етказади.

**Қарор ва ижро**

Шу сингари муаммоларнинг олдини олиш мақсадида юқорида номи зикр этилган қарорнинг еттинчи банди асосида йўловчи ташишга мўлжалланган, фойдаланиш муддати 10 йилдан ошган автобуслар ва микроавтобуслар босқичма-босқич фойдаланишдан чиқарилмоқда.

Хоразм вилоятида тижорат асосида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланадиган ва ишлаб чиқарилганига 10 йилдан ошган транспорт воситаларининг фойдаланишдан чиқарилиши жорий йил охирига бориб тўлиқ якунланади. Уларнинг ўрнини ҳар томонлама қулай, тежамкор, хавфсиз, ҳаракати равон жамоат транспортлари эгаллайди. Яъни аҳолига кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида Самарқандда ишлаб чиқарилган ҳамда лизинг асосида келтирилган янги "Мидибус SAZ NP" (Исузу) автобуси ва "Газель" русумли микроавтобуслардан фойдаланиш миқёси янада кенгаяди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, вилоят тендер комиссияси томонидан тижорат асосида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланадиган транспорт воситаларини баллаш тизими кенг қўлланилмоқда. Шу асосда, ишлаб чиқарилганига ортиғи билан бир йил бўлган автотранспорт воситасига 10 балл берилади. Бундай тизим автотехниканинг яроқлилик муддати, техник ҳолати бўйича аниқ "ташхис" қўйишни осонлаштиради. Таҳлиллар жараёнида вилоятдаги шаҳар атрофи ва вилоят ичи шаҳарлараро йўналишларда тендер орқали жойлаштирилган автобуслардан 98,5 фоизи, микроавтобуслардан 95 фоизининг ишлаб чиқарилган санаси 10 йилдан ошмаслиги маълум бўлди. Қўшимча сифатида айтиш лозимки, мунтазам йўловчи ташиш автобус йўналишларида қатнаётган транспорт воситаларининг 72,5 фоизи "Исузу" автобуслари, йўналиш таксиларда эса 67 фоизи "Газель" русумли микроавтобуслардир.

Бу борада Урганч шаҳрида қилинаётган ишлар эътиборга молик. 2010 йилнинг сентябрь ойида шаҳар йўналишлари бўйлаб 20 та янги "Исузу" русумли автобус қатнови йўлга қўйилди. Бундан ташқари, айни пайтда Урганчдаги 18 та такси йўналишида жами 584 та "Дамас" қатнамоқда. Шу ўринда бир таққос. "Дамас"нинг сиғими 6 нафар йўловчига мўлжалланганидан яхши хабардорсиз. 584 та "Дамас"га 3504 нафар йўловчи сиғади. Шаҳар модификацияли "Исузу" русумли автобус сиғими эса 37 тага тенг. Ҳисоблаб кўрилса, шаҳарнинг барча йўналишларидаги "Дамас"ларни 95 та автобус билан алмаштириш мумкинлиги маълум бўлади. Бунинг натижасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларининг олдини олиш, аҳолига сифатли, арзон ва намунали хизмат кўрсатиш имкони пайдо бўлади, атмосферага чиқадиган зарарли моддалар миқдори ҳам қисқаради. Атроф-муҳит муҳофазаси тобора долзарб аҳамият касб этаётган бугунги кунда бу жуда муҳимдир.

Иқтисодий нуқтаи назардан ҳам бу энг тўғри йўл. Шаҳарда "Дамас"ларнинг йўлкира ҳақи 500 сўмни ташкил қилса, автобусларники 300 сўмга тенг. Автобусларда белгиланган имтиёзга эга йўловчиларда унда бепул қатнаш имкони бўлади. Бундан ташқари, 584 та "Дамас"дан кунига 4 млн. 88 минг сўм (ҳар биридан 7 минг сўмдан) нақд пул топширилса, 95 та автобусдан кунига ўртача 11 млн. 400 минг сўм (ҳар биридан 120 минг сўмдан), яъни деярли 3 баробар кўп нақд пул келиб тушади.

Умуман олганда, юқоридаги қарор ижросини сифатли таъминлаш мақсадида аниқ йўналишлар, шу жумладан, янги бекатлар қуриш, мавжудларини замонавий архитектура талабларидан келиб чиқиб қайта таъмирлаш, уларни ободонлаштириш, тоза сақлаш, нозимхона, кутиш жойларини ташкил этишга вилоят миқёсида катта эътибор қаратилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор асосида жамоат транспорти борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар халқ фаровонлиги, саломатлиги ва табиат мусаффолигини барқарор таъминлашда асосий роль ўйнамоқда.

**Ҳ. ШАМШИЕВА.**

ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 738,3 ▲ +2,1 | УН биринчи нав 502,0 ▼ -0,01 | УН иккинчи нав 472,9 ▼ -9,0 | ПАХТА ЁҒИ 1757,3 ▲ +73,7 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 191,9 ▲ +0,1

